



ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ БОЖ ТАРИФИ ТИЗИМИНИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА УНИФИКАЦИЯЛАШ

Пардаев Тулкин Насирович

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона институти "Божхона тартибга солиниши ва божхона тўловлари" кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди. Тошкент, Ўзбекистон.
tulkinpardayev.uz@gmail.com

Сарманов Орифжон Адилжонович

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона институти "Божхона тартибга солиниши ва божхона тўловлари" кафедраси ўқитувчиси. Тошкент, Ўзбекистон.
sarmanovorifjon@gmail.com

Қамалов Сарварбек Исламбек ўғли

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона институти магистри. Тошкент, Ўзбекистон.
DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss6/a46

Аннотация

Мазкур мақолада ташқи савдони тартибга солишда бож тарифининг мазмун-моҳияти очиб берилган. Шунингдек, глобаллашув шароитида миллий бож тарифи тизими таҳлил қилинган. Бож тарифини қўллаш бўйича хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари ўрганилиб, миллий бож тарифи тизимини халқаро талабларга унификациялаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилди.

Калит сўзлар: Глобаллашув, унификация, миллий бож тарифи, ташқи савдо, халқаро савдо, тартибга солиш, интеграция, миллий иқтисодиёт, оптимал, мувофиқлаштириш.

Аннотация

В данной статье раскрывается сущность таможенного тарифа в регулировании внешнеэкономической деятельности. Также анализируется национальная таможенно-тарифная система в условиях глобализации. Изучен передовой опыт зарубежных стран по применению таможенного тарифа, даны научно обоснованные предложения и рекомендации по унификации национальной таможенно-тарифной системы с международными требованиями.

Ключевые слова: Глобализация, унификация, национальный таможенный тариф, внешняя торговля, международная торговля, регулирование, интеграция, национальная экономика, оптимальная, координация.

Abstract

This article reveals the essence of the customs tariff in the regulation of foreign economic activity. It also analyzes the national customs and tariff system in the context of globalization. The advanced experience of foreign countries on the application of the customs tariff was studied, scientifically

substantiated proposals and recommendations were given for the unification of the national customs tariff system with international requirements.

Key words: Globalization, unification, national customs tariff, foreign trade, international trade, regulation, integration, national economy, optimal, coordination.

Кириш

Глобаллашув жараёнлари халқаро савдо динамикаси ва таркибига, товарлар ҳамда хизматлар халқаро савдосининг ривожланишига, уни амалга оширишни белгиловчи институтлар эволюциясига катта таъсир кўрсатади. Бу таъсир халқаро савдода алоҳида мамлакатларнинг позицияси ва ролининг ўзгаришига сабаб бўлади. Шунингдек, унинг таъсири рақобатбардошлик соҳасидаги ўзгаришларда, автоном ва кўп томонлама савдони тартибга солиш чораларини қўллашнинг асосий ёндашувлари ва амалиётида намоён бўлади. Глобаллашув шароитида корхоналар ва миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларининг иқтисодий ва тижорат манфаатларини таъминлаш учун савдо сиёсати воситаларидан фойдаланишнинг ўрни ва ёндашувлари ўзгармоқда.

Ўзбекистонда халқаро иқтисодий интеграция жараёнларига қўшилиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Жаҳон савдо ташкилоти (кейинги ўринларда ЖСТ)га аъзолик масаласи бугунги кунга келиб мамлакатимизнинг асосий мақсадларидан бири бўлиб ҳисобланади. Зеро, ЖСТ ўзини-ўзи ҳимоя қилишнинг олдини оладиган ҳамда протекционизм қўлланишини бекор қиладиган мамлакатлараро савдо қоидаларини бошқариб турувчи ягона халқаро ташкилот ҳисобланади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётни модернизация қилиш, давлатнинг иқтисодиётдаги улушини камайтириш ва таркибий ўзгартиришларни жадаллаштиришга қаратилган ишларни изчил давом эттириш мақсадида, “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонда белгиланган Давлат дастурининг 97-мақсадига биноан, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи билан интеграция жараёнларини чуқурлаштиришга доир бир қанча вазифалар белгилаб берилди [1].

Ташқи савдо мамлакат иқтисодиётига бевосита таъсир этиб, уни самарали тартибга солиш миллий иқтисодиётни ривожланишига замин яратади. Мамлакатимизда ташқи савдони тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини илғор хорижий тажрибаларни, халқаро принциплар ва нормаларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир.

Ташқи савдони тартибга солиш давлат воситалари характериға кўра тариф ва нотариф воситаларға бўлинади. Бож тарифи божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолиятининг товар номенклатурасига мувофиқ тизимлаштирилган товарларға нисбатан қўлланиладиган божхона божлари ставкаларининг жамланмасидир. Ташқи савдони бож тарифи орқали тартибга солиш ташқи иқтисодий фаолият субъектлари ўртасида тенг имконият яратиб, бозор иқтисодиёти қонунларини амал қилиш ва уни ривожлантиришға замин яратади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Глобаллашув - бу давлатлар ўртасидаги халқаро интеграция жараёни ҳисобланади. У иқтисодиёт, халқаро савдо, сиёсат, бошқарув, маданият ва бошқа соҳаларда ўзини намоён қилади. Бож тарифи тизимини халқаро талабларга унификациялаш - ягона тизим ёки шаклга келтириш, бирхиллаштириш ёки яқинлаштириш орқали халқаро интеграция амалга оширилади.

Замонавий жаҳон иқтисодиётида халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда, оптимал бож-тариф тизимини жорий этиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун муҳим дастак ҳисобланади. Оптимал божхона тариф ставкаси – миллий иқтисодий фаровонлик даражасининг максималлаштирувчи тариф даражаси ҳисобланади. Оптимал божхона тариф ставкаларини жорий этиш орқали нафақат миллий иқтисодиётни ҳимоя қилиш мумкин, балки эркин савдога имкон бериб мамлакатнинг жаҳон ҳўжалигига самарали интеграциясига эришиш мумкин.

Ташқи савдони тартибга солишда бож тарифининг моҳияти ва уни қўллаш хусусиятлари бўйича бир қанча олимлар илмий-тадқиқотлар олиб борган ва уларнинг бу йўналишдаги қуйидаги қарашлар мавжуд.

Жумладан, рус олими В.Ф.Салийчук “Божхона тарифи ташқи савдо операцияларини давлат ва миллатлараро тартибга солишнинг энг мураккаб ва тизимли воситасидир. Шунинг учун уни илмий таҳлил қилиш махсус методологияни ишлаб чиқишни талаб қилади” деб кўрсатиб ўтган [2].

Шунингдек, профессор А.П.Киреев ўз илмий-тадқиқотларида “Божхона тарифи савдо сиёсати ва мамлакат ички бозорини жаҳон бозори билан ўзаро муносабатларида давлат томонидан тартибга солиш воситасидир” – деб, фикр билдирган[3].

А.Н.Казирин “Бож тарифи бу – айрим товарларни мамлакат божхона ҳудудидан экспорт қилиш ёки божхона ҳудудига олиб кириш бўйича тўланадиган божхона тўлови учун асос бўладиган ўзига хос ставкалар мажмуи” деб тариф берган [4].

Бундан ташқари, С.А.Швец “Бож тарифини – ташқи савдо сиёсатининг асосий қуроли ва давлатнинг ички бозорни тартибга солиш воситаси сифатида, шунингдек жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлиш ва ўз таъсирини ўтказиш мақсадида қўлланиладиган ставкалар мажмуи деб кўрсатиб ўтган [5].

Умуман олганда, божхона тарифи давлат савдо сиёсатининг асосий воситаларидан биридир. Божхона тарифи деганда, маълум бир давлатнинг ташқи савдосида товарларни таснифлаш учун фойдаланиладиган товар номенклатурасига мувофиқ тартибга солинган божхона божи ставкалари рўйхати тушунилади.


Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада тизимли ёндашув, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, иқтисодий-сиёсий кузатиш, омилли таҳлил усулларида фойдаланилган. Йиллар давомида ундирилган импорт божхона божи таҳлил қилиниб, уларни қўллашни такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар

Республикамизда божхона божларини қўллашда халқаро ташкилотлар ва илғор хорижий давлатлар тажрибалари асосида бож ставкалари ислоҳ қилинмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни тариф орқали тартибга солишда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда импорт божхона божининг ўртача арифметик ставкасини ўзгаришини

2003 ва 2019 йилларда таҳлил қиладиган бўлсак, бу даврда 15.31% дан 8,02 % га ёки 1,9 мартага камайган (1-расм).



1-расм. Ташқи иқтисодий фаолиятни тариф орқали тартибга солишда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда импорт божхона божининг ўртача арифметик ставкасини ўзгариши (фоизда).

Манба: Муаллифлар томонидан меъёрий ҳужжатлар асосида тайёрланган.

Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини ҳар томонлама ривожлантириш, дунё хўжалигига интеграциялашув жараёнларини ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда турли хил божхона тўловлари ставкаларидан фойдаланади ва уларни қўллашни доимий равишда такомиллаштириб боради.

Мисол учун импорт божхона божига ноль даражали ставкалар миқдори Европа Иттифоқи давлатларида 16,65 фоизни, Туркияда 37,48 фоизни, Хитойда 7,10 фоизни, Тожикистонда 4,10 фоизни, Евроосиё иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти давлатларида 15,81 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизда амалдаги импорт божхона божи ставкалари таркибида бу кўрсаткич 39,30 фоизга тенг (1-жадвал).


1-жадвал

Ташқи иқтисодий фаолиятни тариф орқали тартибга солишда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда импорт божхона божи ставкалари таҳлили.

№	Божхона божлари ставкалари	ПҚ-3303 29.09.2017 й.	ПҚ-3818 29.06.2018 й.	ПҚ-4086 26.12.2018 й.	ПҚ-4470 02.10.2019 й.
1.	Ноль фоизли ставкали товарлар сони, дон	5 886	8 337	7 083	4443
2.	Шу жумладан, аралаш ставкалар	1 954	391	1 189	1561
3.	Жами товарлар таркибида ноль фоизли ставкали товарлар миқдори, фоизда	52,11	73,80	62,70	39,30
4.	Товарларнинг жами миқдори	11 295	11 295	11 295	11 295

Манба: Муаллифлар томонидан меъёрий ҳужжатлар асосида тайёрланган

Бир қатор хорижий мамлакатларда, хусусан: Бразилия, Ҳиндистон, Хитой ва Россия давлатларида импорт божхона божи ставкалари таркибида ноль даражали ставкалар миқдори 16,00 фоиздан кам миқдорни ташкил этган. Беш фоиздан ўн фоизгача бўлган ставкалар – Ҳиндистон ва Хитой давлатларида 43,00 фоиздан 70,00 фоизгача улушни ташкил этган (2-расм).



2-расм. Айрим хорижий давлатларда бож тарифини умумий ставкалар сонига нисбатан тақсимланиши (фоизда). [7]

Мамлакатимизда импорт божхона божи ставкалари таркибида ноль даражали ставкалар миқдори ушбу давлатлардаги улушига солиштирганда икки бараварга кўп эканлигини кўрсатмоқда.

Амалдаги импорт божи ставкалари солиштира таҳлил қилинганда, 0 % ли ставкалар миқдори сезиларли даражада камайганлигини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4470-сон (02.10.2019й) Қарори бўйича импорт божи ставкаларининг таҳлили.

№	Ставкалар миқдори	Ставкалар белгиланган товарлар сони	Ставкаларнинг улуши, фоизда
1	0 %	4 443	39,30
2	5%	2 225	19,90
3	10%	1 903	16,92
4	15%	569	5,53
5	20%	1 432	12,85
6	30%	663	5,48
7	40%	34	0,01
8	70%	26	0,01
Жами		11 295	100,00

Манба: Муаллифлар томонидан меъёрий ҳужжатлар асосида тайёрланган

0 % ли ставкалар – 4 443 та товар позициясига белгиланиб, 2 642 тага камайди;
5 % ли ставкалар – 2 225 та товар позициясига белгиланиб, 1 833 тага кўпайди;

10 % ли ставкалар – 1 903 та товар позициясига белгиланиб, 217 тага камайди;
15 % ли ставкалар — 569 та товар позициясига нисбатан белгиланиб, 227 тага ошди;
20 % ли ставкалар — 1432 та товар позициясига нисбатан белгиланиб, 712 тага ортди;
30 % ли ставкалар — 663 та товар позициясига нисбатан белгиланиб, 88 тага кўпайди;
40 % ли ставкалар — 34 та товар позициясига белгиланиб, миқдори ўзгармади;
70 % ли ставкалар — 26 та товар позициясига белгиланиб, 1 тага камайди.
Аралаш ставкалар – 1 561 та товар позициясига нисбатан белгиланиб, 348 тага ошди [6].

Импорт божи ставкаларининг ўзгариб бориши бевосита ундирилган божхона божи суммасига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Республикада божхона органлари томонидан 2017-2021 йилларда давлат бюджетига ўтказилган импорт божхона божини таҳлил қиладиган бўлсак, импорт божхона божи 2021 йилда 4 764,9 (улуши 16,1 %) миллиард сўмни ташкил этанлиги ва ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 1,8 бараварга ёки 179 фоизга, 2020 йилга нисбатан солиштирганимизда эса 0,3 бараварга ёки 34,1 фоизга ошганлиги кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

Божхона органлари томонидан 2017-2021 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган импорт божхона божи ва унинг божхона тўловлари таркибида улушини ўзгаришининг таҳлили.

№	Кўрсаткичлар	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Давлат бюджетига ўтказилган импорт божхона божи (млрд. сўм)	1 707,3	1 851,5	2 312,6	3 553,7	4 764,9
2.	Давлат бюджетига ўтказилган импорт божхона божининг божхона тўловлари таркибидаги улуши (фоизда)	22,5	16,1	13,5	14,6	16,1

Манба: Муаллифлар томонидан ДБҚ маълумотлари асосида тайёрланган.

Сўнги йилларда импорт божхона божини миқдори бир неча марта ошган бўлишига қарамасдан, божхона органлари томонидан 2017-2021 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркибидаги улуши 6,4 фоизга камайган. Бунга Ўзбекистон Республикаси билан савдо-иқтисодий битимларини тузган мамлакатлардан келаётган товарларга тариф преференцияларининг кўпаётганлиги, божхона божларидан имтиёзларни ошаётганлиги ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни тариф орқали тартибга солишда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда импорт божхона божи ставкаларини йиллар давомида камайиши сабаб бўлган (4-жадвал).

Ҳозирги глобаллашув шароитида миллий бож тарифи тизимини халқаро талаблар асосида такомиллаштиришда қуйидагиларни ҳисобга олиш асосий вазифа ҳисобланади:

- мамлакатимизда протекционистик сиёсатнинг кучли тарзда олиб борилаётганлиги, ўз ўрнида ушбу сиёсатни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва ТИФ қатнашчилари фаолиятига салбий таъсир этмайдиган тарзда юмшатиш зарурияти;

- миллий бож-тариф тизимини интеграциялашув жараёнларга мувофиқлаштириш шароитида уларга қарши қаратилган таҳдидларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш, тизимли таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларга қарши курашиш энг муҳим вазифага айланганлиги;

- Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик шароитида миллий бож-тариф тизимини мамлакатимиз иқтисодиёт манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштириш зарурияти;

- Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи тўғрисидаги шартномани чуқур таҳлил қилиш ва бож тарифи бўйича учинчи давлатлар билан келишувларини ўрганиш.

4-жадвал

Божхона органлари томонидан жами божхона тўловларидан берилган имтиёзларнинг таркибида 2017-2021 йилларда импорт божхона божининг улуши (фоизда).

№	Кўрсаткич	2017	2018	2019	2020	2021
1	Жами божхона тўловларидан берилган имтиёзларнинг таркибида импорт божхона божидан берилган имтиёзларнинг улуши (фоизда)	26,02	28,09	32,29	42,90	50,72

Манба: Муаллифлар томонидан ДБҚ маълумотлари асосида тайёрланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ташқи савдони самарали ривожланиши ва мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизимга интеграциялашувини янада жадаллаштириш мақсадида, миллий бож тарифи тизимини такомиллаштириш учун қўйидагилар таклиф этилади:

- Тариф ва Савдо бўйича Бош Келишувнинг биринчи моддасида Келишилган томонлар ЖСТ га аъзо мамлакатлар учун энг қўп қулайликлар тақдим этувчи режимни қўллаш талаб этилади. Ушбу тартибни инобатга олиб мамлакатимизда божхона божларини икки баробар қўллаш амалиётидан босқичма-босқич воз кечиш таклиф этилади. Унинг ўрнига мамлакатимизда илғор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, божхона божларини қўллашда мураккаб тарифга ўтиш – бунда ишлаб чиқарилган мамлакатга қараб маҳсулот учун бир нечта тарифларни қўллаш тавсия қилинади.

- Республикамиз бож тарифидаги ноль даражали ставкаларнинг улушини 16-20 фоизга тушириш таклиф этилади ва бунинг натижасида давлат бюджетига тушадиган маблағлар кўпаяди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралда «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3512-сон қарорининг 1-иловасида келтирилган Божхона тўловларига тортилмайдиган республикага жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган товарларни айрим турлари нормаларига ўзгартириш киритиш лозим.

Хусусан, “Алкогол маҳсулоти, шу жумладан пиво” ҳамда “Тамаки маҳсулотларининг барча турлари” товарларига ёш чегарасини киритиш, яъни, “Алкогол маҳсулоти, шу жумладан пиво (йигирма ёш ва ундан катта шахслар томонидан олиб кирилганда ҳамда Бож олинмайдиган савдо дўконидан харид қилинганлари ҳам)” ҳамда “Тамаки маҳсулотларининг барча турлари (йигирма ёш ва ундан катта шахслар томонидан олиб кирилганда ҳамда Бож олинмайдиган савдо дўконидан харид қилинганлари ҳам)” деб ўзгартириш керак (Асос: *Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрда “Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида”ги ПҚ-302-сон қонунига асосан алкоголь ва тамаки маҳсулотларини йигирма ёшга тўлмаган шахсларга реализация қилиш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган*).

Шунингдек, “Божсиз олиб кириш нормаси” жумласининг ишлатилишидан мақсад божхона тўловларига тортилмайдиган товарлар нормасини белгилаш ҳисобланади. Яъни белгиланган норма доирасида олиб кирилган товарга нисбатан ҳеч қандай божхона тўловлари (*божхона божи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона йиғимлари*) ундирилмайди. Лекин, “Божсиз олиб кириш нормаси” жумласи ишлатилганда имтиёз фақатгина божхона божидан берилишини англатади. Шуни инобатга олган ҳолда, Божхона кодексининг 157-моддасида (*Жисмоний шахслар томонидан олиб ўтиладиган товарларга нисбатан божхона тўловларининг қўлланилмаслиги*) келтириб ўтилган “божсиз олиб кириш нормаси” жумласини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3512-сон қарорининг 1-илоvasида қайд этилган “қиймати ва миқдори божхона тўловларига тортилмайдиган республикага жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган товарларни айрим турлари нормалари” билан ўзаро мувофиқлаштириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ташқи савдони тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини илғор хорижий тажрибалар, халқаро принциплар ва нормаларни инобатга олган ҳолда унификациялаш мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини янада тезлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони (<https://lex.uz/docs/5841063>).

2. <https://cyberleninka.ru/article/n/tamozhenny-tarif-teoreticheskie-aspekty-issledovaniya/viewer>. Мурожаат этилган сана: 23.03.2022й.

3. Аргументы за и против существования тарифов во внешней торговле <https://sbo-paper.ru/publications/Customs/arguments>. Мурожаат этилган сана: 22.03.2022й.

4. Козырин А. Н. Государственно правовой механизм таможенной политики зарубежных стран, Моск. гос. ин-т междунар. отношений. - м. : МГИМО, 1994.

5. «Тарифное регулирование внешнеэкономической деятельности Учеб. пособие» (5-8329-0037-5) — книга автора Швец С. А., 78, 1 с.. Издано: (2001).

6. Т.Н.Пардаев. Божхона хизматининг фискал фаолияти ўқув қўлланма //- Тошкент: 2022 йил 245 бет.

7. Воловник Н.П., Приходко С.В. Торговая политика стран БРИКС. Электронный журнал «Экономический портал» (<https://instituciones.com/general/2461-torgovaya-politika-stran-briks.html>).

8. Т.Пардаев, А.Шодмонқулов, З.Маккамов. Божхона тўловлари. Дарслик. Т.: 2021й.

9. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. 2016 йил 20 январь (<https://lex.uz/docs/2876354>)

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралда «Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтилишини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3512-сон қарори (<https://lex.uz/docs/3551264>).

11. www.customs.uz

12. www.customs.gov.az

13. www.customs.am